

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул ҳайти.

16 март кун Ислам Каримов Президентини қабул қилди. Президентини қабул қилди. Президентини қабул қилди.

армия генерали Дўғон Гурешин қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида давлат раҳбари меҳмонга мамлакатимиздаги ҳозирги

ижтимоий-сиёсий вазият, минтақада осойишталикни ва барқарорликни сақлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг тинчлик-

парвар ҳарбий сиёсати ҳусусида сўзлаб берди. Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев, мудофаа вазири Р. Аҳмедов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Қабул чоғида Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чўтур иштирок этди.

16 март кун Туркия Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби бошлиғи, армия генерали Дўғон Гурешин Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чўтур бор эди.

Тошкент тайёраҳоҳида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Рустам Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Темуралимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чўтур бор эди.

(ҒАА).

Ислам Каримов:

СИЗИНИНГ ТАЖРИБАНГИЗГА ТАЯНАМАН

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов 15 март кун пахтачилик муаммолари-га бағишланган республика Кенгаши қатнашчиларидан бир гуруҳи билан учрашди. Самимий ва ошкоралик руҳида ўтган бу суҳбатда юртбошимиз бозор иқтисодиёти-га ўтиш шароитида қишлоқ турмушида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида, юзга келаётган муаммоларини биргаликда ҳал этиш ҳақида пахтакорлар билан маслаҳатлашиб олиш янгида эканини айтди.

— Мен ҳамisha сизнинг тажрибангизга таянаман, — деди Президент. — Сизлар билан биргаликда ёруғ кунлар етмади, албатта. Аммо бунинг учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Бу йил қишлоқ ҳўжалигини ривож-лантириш масалаларига ба-ришланган кенгашларни ян-гича ташкил этдик. Чунки пахтачиларнинг ҳам, чорва-чиларнинг ва бошқа соҳа-

ларнинг ҳам ўзига хос му-аммолари бор. Иқтисодий қийинчиликлардан биринчи бўлиб қишлоқ ҳўжалиги чи-қиб олади деган умиддаман. Шу боис, сизнинг бу ҳусу-даги фикр-мулоҳазадарин-гиз мен учун қимматлидир.

Қақчадаре вилоятидаги «Оқраб» жамоа ҳўжали-гининг бригада бошлиғи У. Ражабова қишлоқда қийин-чиликлар оз эмаслиги, аммо деҳқонлар уларни ҳалол ме-натлари билан бартараф эта-ётгани ҳақида рапорди.

— Сизларда тўйлар қан-дай ўтган? — сўради Ислам Абдуғаниевич.

— Баҳоли кудрат... тан-қислик сезилмапти деб бўлмайди. Мен яқинда келин тушурдим, лекин бировдан қарз бўлиб қолганим йў... — Жамоа ҳўжалигининг молиявий аҳоли қалай?

— Кредитга берилаётган маблағлардан олинганда 20 — 30 фоизлик солиқ маъқул келмай турибди.

— Яқинда биз баҳорги

дала ишларини муваффа-қиятли ўтказиш учун қиш-лоққа 5 фоизли 20 миллиард сўмлик имтиёзли кредит аж-ратилган, ҳар томонлама дав-лат ёрдами кўрсатишга қа-рор қилдик.

— Раҳмат, Ислам ака... Қорақалпоғистон пахта-корларининг вакили — Шу-манай туманига қарашли Гагарин номидаги давлат ҳўжалигининг директори У. Қўнқўзов шундай деди:

— Ислам Абдуғаниевич! Сизнинг одил сиёсатингиз туфайли осойишта меҳнат қилмоқдамиз. Ҳамма ерда бўлганидек, бизда ҳам қи-йинчиликлар бор. Халқ ай-ганидек, янги уй қуришнинг ўзи бўлмайди. Пахта экяли-миз. Аммо даладаримизда юзроқ ҳосил етиштириш қи-йинлашиб қолди, кўпроқ ма-благ талаб этиляпти...

Ислам Каримов пахтакор-лар билан янара ва фермер-лик ҳаракатининг истиқбо-ли, суғориладиган ерларда ҳосилдорликни ошириш йў-

лари ҳақида маслаҳатлаш-ди. Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари кенга-шининг раиси Б. Раҳимов, Наманган вилоятидаги «Бўс-тон» жамоа ҳўжалиги раиси Э. Асқаров, Фарғона вилоя-тининг Оқушбобоев номи-даги жамоа ҳўжалиги бри-гада бошлиғи Р. Холиқов, Ким Пен Ха номидаги халқ корпорацияси президенти Т. Мадиёров ва бошқалар республикада пахтачиликни ривожлантириш билан бо-ғлиқ долзарб масалалар ҳа-қида сўзлашди.

Учрашувда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Ш. Нўлдосев, республика Бош вазири А. Муталов, Ва-зирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жў-рабеков, Бош вазир ўринбо-сари Б. Хамидов, жумҳурият Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов иштирок этди.

Пўлат НИШОНОВ,
ҒАА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. ЖўРАБЕКОВНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ПАХТАКОРЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли пахтакорлар! Бугунги кенгаш Президентини Ислам Каримовнинг шахсан таъабубига кўра Ўзбекистон ҳўкумати қаро-рига мувофиқ ўтказилляпти.

Пахтачиликдаги ишларнинг аҳолини ҳар томонлама му-ҳоқама қилиш, сизлар билан маслаҳатлашиб, бу муҳим тармоқнинг узок йилларга мўлжалланган йўналишини ишлаб чиқиш бугунги кен-гашнинг мақсади ҳисоблана-ди.

Ўтган йиллардаги фарқ қилган ҳолда биз бу йил қишлоқ ҳўжалиги муаммо-ларини алоҳида-алоҳида кў-риб чиқмоқдамиз. Биз ўтган йил якунларини таҳлил этиб,

1993 йилги вазифаларни белгилаб олмақчимиз. Ўтган йил жуда мураккаб бўлди. Кўп жойларда чигит қайта-қайта экилди, ғўза ка-салликлари ва зараркунада-лари кўпайиб кетди. Лекин деҳқонларнинг барча қийн-чиликларини енгиб, 4,1 мил-лион тонна пахта йиғишти-риб олди. Мана шу юкс-кас миқдордан туриб Прези-дентимиз Ислам Абдуғани-евич номдан, ҳўкумат номи-дан сизларга, сизлар орқа-ди бутун пахтакорларимизга Ўзбекистоннинг мустақилли-гини мустаҳкамлаш йўлида-ги филокорона меҳнатингиз учун қизгин талпақлар бил-диришга ижозат бераян.

Кейинги йилларда респу-

ликада қишлоқ ҳўжалиги структураси такомиллаш-тирилди. Пахта майдонла-ри 500 минг гектардан кў-проқ қисқарди. Иқтисослаш-тирилган ҳўжаликларида унинг улushi 75 фоиздан 80 фоизга тушди. Бу озунча ва озин-оват эканлиги майдо-нини кенгайтириш имконини берди.

Кейинги йиллар тажри-баси пахтага 1600—1650 минг гектар ер ажратилса, тармоқ самарали бўлишини кўрсатяпти. Ёнг уқумдор су-ғориладиган ерлар пахта учун қолдирилади. Бунинг устига ҳар гектардан 35—40 центнер пахта хом ашёси ёки 13—14 центнер тола олишдек бой тажрибамиз бор.

(Давоми 3-бетда).

Республикасида ерни ўз вақ-тида шугорлаш ва текис-лашга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилганини кўрсатиб ўтилади.

Музокарада сўзга чиққан-лар деҳқонларимиз пахта Ватанимиз раънақи, фуқа-ролар фаровонлиги учун на-қадар зарур эканини яхши англаб, чигитни вақтида экиб олишга шай бўлиб тур-ганларини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари республика пахтакорларига мурожаатнома қабул қил-ди.

(ҒАА).

19 МАРТДА РЕСПУБЛИКА

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ

МАЖМУИ ХОДИМЛАРИНИНГ

ҒАЛЛАЧИЛИКНИ

РИВОЖЛАНТИРИШГА

БАҒИШЛАНГАН

КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ



ДОН—БОЙЛИГИМИЗ, РИЗҚУ РЎЗИМИЗ

Дон — инсон ҳаёти учун энг буюқ, бебаҳо неъмат ҳисобланиб, ризқу рўзимизнинг асосий манбаидир. Одамларнинг кундалик турмуши, фаровон-лиги ҳар жиҳатдан бугдой, арпа, шולי, маккажў-хори ва бошқа дон маҳсулотлари мумкин қадар кўп етиштирилишига боғлиқ. Дон мўл бўлса, дас-турхонимиздан нон ва бошқа ноз-неъматлар ари-майди. Халқимиз ноннинг ушогини ҳам кўзига тў-тидек суртади, ардоқлайди. Донулар «Ғалланг бўлса, кўнглингга қўшиқ сиғади, хурсандчилик ярашади», деб бежиз айтишмаган. Зотан кунда-лик сатй ҳаракатларимиз тирикчилик манбаи бўл-ган ризқу рўзини кўпайтириш билан чамбарчас боғ-ланган.

Мустақил Ўзбекистонимиз аҳолисини дон маҳ-сулотлари билан тўла-тўқис таъминлаш, чорвачи-лик ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларининг ғаллага бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш учун жаъми 6—6,5 миллион тонна бугдой, арпа, макка-жўхори, шולי ва бошқа дон-дун талаб этилади. Аҳоли кўпайиб бораётганлиги назарда тутилса, яқин келажакда бу кўрсаткич 7—8 миллион тон-нани ташкил этиши зарур. Ҳозирги пайтда рес-публикамизда йилга 2 миллион 100 минг тонна атрофида дон етиштирилмоқда. Талаб-эҳтиёж учун зарур бўлган ғалланнинг қолган қисми Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан ва чет

Республикамиз мустақилликка эришгач, ғалла етиштиришга эътибор янада кучайди. Экин май-донлари ҳажми ошиб бормоқда. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан 125 минг гектар кўп майдон-га дон экилади. Бу аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотини ҳисобланган бугдойга бўлган талабни қондиришга ёрдам беради.

Ўтган йили республикамизда 2 миллион 44 минг 900 тонна бугдой, арпа, маккажўхори, шולי ва бошқа дон маҳсулотлари етиштирилди. Айниқса, ғалладан яхши ҳосил олинди. 1 миллион 332 минг тонна дон ишлаб чиқарилди. Бу режадагидан 204 минг тонна кўпдир. Республика бўйича ўртача ҳосилдорлик режадаги 13,1 ўрнига 14,3 центнерни ташкил қилди.

Республикамиздаги тармоқнинг билимдон, таж-рибали деҳқонлари йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб бормоқдалар. Шунингдек, юртимизда мўл хом ашё олиш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд.



элдан сотиб олинапти. Ўзбекистон ўз иқтисодиё-тини мустақил давлат сифатида шакллантира бош-лаган пайдан буён ғалла майдонларини кенгай-тиришга, дон маҳсулотлари етиштиришни кўпай-тиришга алоҳида эътибор берилмоқда, 1992 йили республика қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳўжалик-ларида 1991 йилга нисбатан 432 минг тонна кўп бугдой ва арпа етиштирилганлиги бундан далолат беради.

Республикамизда ғаллачиликни янада ривож-лантириш, дон маҳсулотларига бўлган талаб-эҳ-тиёжни имкон қадар ўзимизда етиштирилган маҳ-сулот ҳисобига қондириш учун экин майдонларини йилдан-йилга кенгайтириб боришимиз, ҳосилдор-ликни оширишимиз, янги навларни ишлаб чиқа-ришга кенг жорий этишимиз, фан-техника ютуқ-ларини ҳаётга изчил тadbик этишимиз керак. 19 мартда Тошкентда республика деҳқончилик-сааноат мажмуи ходимларининг ғаллачиликни ривожлан-тиришга бағишланган кенгашида аини шу ма-салалар муҳокама қилинади, ўтган йилги натижа-лар таҳлил этилиб, бу йилги вазифалар белгилаб олинади. Ушбу анжуманда республикамиз ғалла-чилигининг яқин келажакдаги истиқболлари ҳам кўриб чиқибли, тармоқни тараққий эттириш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинади.

Масалан, ўтган йили Учкўприк районидagi Деҳ-қонов номи жамоа ҳўжалиги суғориладиган ер-нинг ҳар гектаридан 65 центнердан, Қашаши райо-нидаги К. Маркс номи давлат ҳўжалиги 12,5 минг гектар лалми майдоннинг ҳар гектаридан 19,2 центнердан дон олди.

Халқимиз севиб истеймол қиладиган шолдан мўл ҳосил олиш имкониятлари бор. Ўтган йили Музрабод районидagi Ж. Муҳаммадиев бошлиқ бригадада 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Бу республикада энг юқори кўрсаткичдир. Макка-жўхориликда Денов районидagi Куйбишев но-ми жамоа ҳўжалиги миришкорлари ҳар гектар ер-дан 65 центнердан дон етиштирдилар.

(Республикамиз илгор ғаллакорларининг иб-ратли ишлари, тармоқ муаммоларини қандай ечаётганликлари ҳақидаги мақолаларни га-зетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

ҚЎЗИЛАР КЎПАЙМОҚДА

АНГОР. «Мустақиллик» жамоа ҳўжалиги бош чўнони Карим Бекмуродов қарамо-нидаги 453 бош совдақдан шу кунгача 200 га яқини қў-зилади. Унинг юздан зиёди ўстиришга қолдирилди.

ЖАРҚУРҒОН. Н. Бойму-родов номи колхозда 6.500 бош совдақ бор. Ҳозиргача уларнинг 1.580 тасидан 1566 та қўзи олинди. Илгор чўно Бекбой Тиламов ота-ридаги 600 бош совдақдан 250 таси болалади. 150 таси ўстиришга қолдирилди.

ҚУМҚУРҒОН. С. Бойма-тов номи жамоа ҳўжали-гида ҳам мавсум қизгин да-вом этмоқда. Ермават Қоси-мов бокундаги 405 бош совдақнинг 300 боши ен-

гиллади. Тадбиркор чорва-дор бир отардан икки отар яратиб ниятда астойдил меҳнат қилмоқда.

Р. АБДУЛХАЕВ.

ДЕНОВ. Ш. Қобиев но-ми жамоа ҳўжалигининг Н. Жумаев бошлиқ қўзи-лик фермаси жамоаси тул мавсумини бошлаб юборди. Улар мавжуд 4100 бош со-вдақнинг ҳар юздан юзда ахд қилишган. Тул олиш Б. Хи-дилов, Ш. Модартов, Н. Бердиқулов, Ж. Хусанов, Х. Модартов бошлиқ отар-ларда намунали олий бори-лаётди. Барча қўтонларда шаронлар яратилган. Отар-лар етарли миқдорда ем-хашак билан таъминланган.

Ғ. БЕКМУРОДОВ.

Чўпон тағми ерда қолмас, деганлари рост экан. Аму-рали Эркабоев ўттиз йил-лири Риктон районидagi Н. Солиқов номи жамоа ҳўжалигида чўпонлик тағи-ни ардоқлаб келади. Бу йил Ашурали ака 412 бош қўй-қўзиларни ижара усули-да парвариш қилаётди. Шу

кунларда А. Эркабоев бош-чилиқ қиладиган отарда қў-зилатиш мавсуми аъж нал-лага кирди. Ҳозиргача чў-пон отарида 150 та соғлом қўзи туғилди.

СУРАТДА: Ашурали Эр-кабоев невараси Авазхон бола.

Х. МЕЛИБОВ олган сурат.

ДЕҲҚОН БАҲОРИ ЧОРЛАМОҚДА

Илгари хабар берилгани-дек, Тошкентда пахтачилик муаммоларига бағишланган республика кенгаши бўлди. Унда ўтган йил натижалари таҳлил этилиб, талдаги ва-зифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазирилик биринчи ўринбосари Ж. Кўч-қоров шу ҳақда маъруза қилди.

Ўтган йили эришган ютуқ-ларимизнинг энг муҳими, — деди у, — ижара, оливалли ҳамда шахсий пудрат ва ширкатлар орқали янги иқ-тисодий тизим асосида иш-лай бошлаганимиз бўлди. Зеро, бозор муносабатлари

биздан ишбилармонлиқни тақозо этмоқда, ҳўжалик ҳисоби маҳсулот ишлаб чи-қаришни кўпайтириш, тан-нархни арзонлаштириш ва оқибат натижада меҳнат унумдорлигини оширишда кўл келмоқда.

Моддий манфаатдорли-қнинг ортиши деҳқон меҳна-тига яқиний таъсир этди. Табиат ҳар йили бир синай-ди деҳқонни. Аммо табиий офатлар мардонавор барта-раф этилди. Бу ишда бухо-роликлар айнаса, намуна кўрсатишди, вилоят пахта-корлари гектар бошига 32 центнердан ҳосил кўтарди-лар. Қақчадаре Наманган,

Андижон ва Фарғона вило-ятларида пахта тайёрлаш давлат топириқлари оши-риб адо этилди: Ғиждувон, Пешку, Жондор ва Чортоқ туманларининг пахтакорла-ри ҳосилдорлиқни 35—40 центнерга етказдилар. Ғи-лаб бригадалар 45—50 центнердан ҳосил кўтариб, эл таҳсинига сазовор бўл-дилар.

Кенгашда имкониятлар-ни бой бериб, пахта тайёр-лаш йиллик режасини ба-жаромай қолган туман ва ҳўжаликлар тилга олинди. Самарқанд, Тошкент, Қаш-қадар, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон

(ҒАА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. ЖЎРАБЕКОВНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ПАХТАКОРЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

Биз пахта майдонларини ўзгартирмаган ҳолда пахта етиштиришни кўпайтиришимиз, шунинг ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги бошқа тармақларини ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишимиз мумкин. Бунинг учун эса бир қатор шарҳларни бажариш керак бўлади.

Ерга, махсуслашга ҳақиқий ҳўжалик бўлмаганлиги пахтачиллигини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келгани сир эмас.

Президент, республика ҳўкумати аграр ислохот ўтказиш, махсуслот етиштирувчиларнинг мустақиллигини ошириш, ҳўқуқларини кенгайтириш учун реал шароитлар яратиш йўлини излаш амалга оширилади. Қисқа муддат ичида зарур қонунчилик ва норматив асос яратилди, маҳсулоти, ер, фермер ҳўжаликлар ва ишбилармонлигини ривожлантириш тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» шу йил 7 январдаги қарори билан ҳар бир туман, ҳўжаликнинг ўзига хос хўсуслатларини, миллий аъёнларни ва демография вазиятини ҳисобга олган ҳолда қишлоқда давлат мулкидан босқичма-босқич жамоа мулкига ва ишлаб чиқаришнинг давлат тасарруфига бўлмаган бошқа шаклларида ўтиш йўллари белгилан берилди.

Асосий фондларни ва бошқа мол-мулкни меҳнат жамоаларига тегишли мулк қилиб берган ҳолда 700 талдан кўп совхозни кооператив ва давлат тасарруфига бўлмаган бошқа ишлаб чиқариш бириклаларига айлантириш мўлжалланаяпти. Бу ишни амалга оширишда совхозларнинг банклардан ва махсуслот етказиб беришчилардан қарзларини узиш 20 йилга кечиктирилди.

ҲАШАР ШАРОФАТИ

Яқинлашиб келаётган баҳор байрами — Нағрўз халқлар бирлиги, тинчлик, қардошлиқ ғояларини ўзига мувожаамлаштирилади. Тошкентда бўлиб ўтган байналмилал дўстлик кечасида шу ғоялар ўз ифодасини топти. Кечада Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғоғистоннинг турли минтақаларидан келган талабалар ва ёшлар, шунингдек КХДР, Корея Республикаси, Сурия, Бангладеш, Непалдан келган меҳмонлар қатнашди.

Кеча Кореянинг бирлашувига қўмаклашувчи халқаро уюшмасининг, унинг рес-

публика бўлими — «Бом мин рен» жамиятининг, шунингдек ёшлар ва талабалар жаҳон уюшмаси — «Бом чен акрен» вице-президенти Р. Гутайнинг ташаббуси билан уюштирилди.

«Сиз Кореяни биласизми?», деган савол-жавобда йилда қишлоқда қатнашди. Унда қорейсларга эмас, бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам Кореянинг тарихи, географияси, маданияти, аъёнларини яхши билдирилган намойиш қилинди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини қорейс тили ва адабиёти бўлимининг талабала-

ри концерт тайёрлашган эди. Концерт дастури қорейс халқ кўшиқларидан, қорейс шоирларнинг асарларидан тўзилган эди.

Республикадаги баҳор ва янгилаш байрамига бағирдаги барча миллий маданият марказлари ҳозирлик қилишмоқда. Наврўз кунларига республика шарҳларининг кўча ва майдонларига миллий маданият марказларининг қодирлари тикилади, павилонлари жиҳозланади. Бу ерларда Ўзбекистонда яшовчи турли халқларнинг қўшиқ ва рақс савъати билан таъиниш мумкин бўлади.

Фольклор жамоалари шу кунга атаб катта концерт тайёрламоқда. Халқ усталари, амалий-нақшкорлик санъати соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш қила-
И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

Республикада Наврўз шарафига ўтказилган умумхалқ ҳашари Самарқанд вилоятида ҳам меҳнат байрамига айланиб кетди. Ўша кунги ёнгирчилик бўлишига қарамай, минглаб шаҳарликлар, қишлоқ аҳли, талабалар, қалб давлати билан ободончилик ишларида иштирок этишди.

Ҳашарида Самарқанддаги завод ва фабрикаларнинг иш-

чи-хизматчилари ҳиссаси айниқса салмоқли бўлди. Улар бир кунлик иш ҳақларини шабалик жағмарасига ўтказдилар. Буюк мунажжим Мирзо Улўбег шарафига барпо этилаётган боғда катта ишлар амалга оширилди. Уни меҳмончилик қўрилиш олийгоҳи, гидрометеорология, молия тешхумларининг талабалари барпо этишга аҳд қилгани айниқса қўвончлидир.

Самарқанд туманининг «Гулистон», «Мароқан», Ф. Қосимов номидаги жамоа ҳўжаликларига эса 50 гектар майдонга турли кўчатлар ўтқазилди.

Х. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

лаш мумкин? Наҳотки ернинг уюлини ўйлашмайди? Бундайларга қатъий сўзимизни айтишимиз. Ернинг исроф қилинишига, унга зарар етказишга, йўл қўймаймиз, — деди район ҳўқимни Сапарбой Тўрешович.

Деҳқончиликда ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, илгорлар тажрибасидан ўрганиб, янги технологияни жорий этган ҳолда ҳар гектардан олинмаган ҳосилдорлигини кўтариш ҳисобига ҳўжалик

тиш мумкин. Ҳозир қолхозда 2 та ўн йиллик, битта саккиз йиллик мактаб, 50 ўринли шифохона, 2 та тиббий пункт, дорихона, магазинлар, алоқа бўлими, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат уйлари ишлаб турибди. Бироқ қолхозда қорвачилик етакчи тармоқлар қаторида эмас. Фермада бор-йўли 193 бош қорамол, шу жумладан 37 бош сизир бқилмоқда. Ўтган йили 39,5 тонна гўшт ва 116,8 тонна сўт етиштирилиб давлатга сотилди. Ҳар бир шартли мол ҳисобига режадаги 14 ўринга 16 центнер озуқа беришга етди. Имон даражасида тармоқни кенгайтириш йўллари излаш даркор. Оқлик ва гўшт махсуслотлари мўл бўлганига нима етсин. Уйлаймики, ҳўжаликлар долзарб масалани эътибордан четда қолдиришмайди.

Ҳисобот йилида баҳсланилди, кўп фойдали фикрлар айтилди. Келгусида амалга оширилаётган тадбирлар белгиланди. Иқтисодий танглик ҳўқим сураётган ҳўзирги даврда аҳолини иқтимоий ҳўмоа қилишга эътибор қўйиштирилмоқда. Наврўз тарадулди, тўй-ҳашамлар матъараларини ўтказишга, қаровсиз, кекса қолхозчиларга амалий ёрдам беришни раҳбариятнинг биринчи даражали вазифаси экани таъкидланди. Шунингдек, йилида «Қолхозда меҳнат қилаётган ёшлар турмуш қуришида бир йўл 20 минг сўм ёрдам пули берилса, оғир тракторларни бошқарадиган ҳайдоқчиларни газ ва электр энергиясидан фойдаланишларини бепул бўлисин, қария ва ногиронлар қоланди ҳабар олиб турилсин, уларга вақти-вақтида моддий ёрдам кўрсатилиши деган тақлифларни мажлис қатнашчилари бир овоздан маъқуллашди.

Тўхтасин ҒАНИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Маҳтумқули номидаги ўрта мактабнинг мажлислар зали жамоа ҳўжалигининг йиллик ҳисобот йилидаги тақлиф этилганлар билан тўлган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг топиришга бинаои қолхознинг йиллик ҳисобот йилида меҳнат қилишга бағирдаги барча қишлоқ ерлари қўшни Туркменистон Республикасига туташ бўлиб, пахтачиликка ихтисослашган.

Жамоанинг мавжуд 3.156 нафар аъзоларининг аксарияти шу ерлик. Кўпчилиги меҳнатқаш туркменлар. Шунингдек ўзбек, қозғоқ, қоракалпоқ ва бошқа миллатлар мансуб кишилар елкамаселка туриб меҳнат қилишмоқда. Ҳўжалиkning 2.023 гектар суғориладиган майдон бор. Унинг 1.300 гектариди пахта, қолган қисмида дон, сабзавот, полза махсуслотлари ва озуқа экинлари етиштирилади.

Жамоа аъзолари 1992 йилда ерларни ижарага олишган эди. Бу тажриба яхши натижалар берди. Қўрилганда зиёда ҳосил ундирилди. Барча етакчилик вазифаларга билимдон мутахассислар тайинланган.

Давлатга пахта сотиш режалари илгари бажарилмади келинади. Бултур эса топириш ортиги билан адо этилди. Ўнда пахтакорларга бир қанча омиллар мадад бўлиб, ёйрат бағирлади. Биринчиси, Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармони мувофиқ 1991 йили режадаги пахта ҳосилининг 5,5 фоизи ва ундан ортиқча-сининг ҳаммаси қолхоз ихтиёрида қолдирилиши, яъни эркин нархларда сотишга рўхсат берилгани бўлди. Дарвоқе, 1992 йилда қўрсаткичи 15 фоизга қиқанди. Бу йил уни 20 фоизга кўтарилган қарор қилинди. Иккинчиси, узоқни кўзал иш юритаётган район ҳўқимни Сапарбой Нурхўжаевнинг вақтида қўрсатган тадбирлари, маслаҳатлари натижа берди.

1991 йил пахта ҳосилидан пахтакорлар яхшигина пул олишган эди. Моддий манфаатдорлигини оширилган, лиги уларни оғир келган 1992 йилда янада унумли ишлашга даъват этди. Зарпунослар ўтган йили 1.300 гектар майдонда деҳқончилик қилишиб, режадагидан кўп — 2.856 тонна оқ олтин етиштирилди. Унинг 1765 тоннаси биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди. Ҳўжалик пахтачилардан 52,2 миллион сўм

тер тўққан киши яхши даромад қўраётганлиги барчанга, жумладан, механизаторларни ҳам астойдил ишлашга ундамоқда. Ҳўжалик бўйи, ча ҳосилининг яримдан кўпи пахта териш машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Тажрибали механик-ҳайдовчилар Сапарбой Далабоев, Тирхак Ҳўжабеков, Соғин, бий Шаммиев, Усен Сентжонов ва Тирхак Ашировлар мавсум давомида 80—96 тоннадан хом ашё териб берилди. Дурни қабул пункт

ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ТАҚЛИФ

Сарҳисоб

даромад қилди. Аннагелди Ҳўжақулов, Гурбандурди Мамедов, Аннадурди Ботиров ва Нуржон Каримовлар бошқарувчи бўлган агроучастклар ижарачиларини кўрсатган шикоят йилида алоҳида таъкидланди. Режани бажара олмай қарздор бўлиб қолган 2 ва 6-агроучастка бошқаларда, бу Галпақ Қакабеев ва Ёнгсеген Алиевлар таққид қилинди.

Деҳқон эркин бўлса бас. У қачон нима қилишни, ни ўзи биледи. Чўнки зиммасидаги масъулият уни шунга ундайди. Буни қўйидаги мисоллар ҳам айтиб турибди. Биринчи агроучастка аъзоси Ҳўро Мавлонов 4 гектар ерда деҳқончилик қилиб гектаридан 30 центнердан, учинчи бўлимдан Гулжон Далабаева 5,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон уюшди.

Ҳа, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг энг мабул усуллари жорий этилаётганлиги,

ларига етказиб беришда бир неча уловли тракторларни моҳирона бошқариб, ҳамкасбларига намуна бўлган Сапаргулик Мадиев, Элбой Алиев, Аширғелди Назаров, Қўзват Собуровлар таҳсинга совоордилар.

Ҳўжайли районидида «Озодлик» жамоа ҳўжалиги бошқарувчи раиси Қўбей Ортиқов деҳқончилиги қилинган ернинг гектаридан 29 минг сўм даромад қилганини айтганида ҳаёлимда беҳтиёр савол туғилди. Нима учун Тошкент районидида Ҳўломаҳмуд Абдуллаев номли жамоа ҳўжалиги бир гектар ердан салкам бир миллион сўм даромад олгану-бу ерда кам? Асосан сабаботчилик билан шугулланаётган ушбу қолхоз, гектаридан 25 тоннагача эртанг картошка олиб, қилосини 20 сўмдан сотишди. Унинг кечки сабзи экинлари да гектаридан 40 тонна ҳосил қўтарилиб, қилосини ўртача 15 сўмдан пуллашди. Бу фақат сабаботдан келмаётган даромад. Демак, тадбиркорлик билан иш юритилса


ганда, Россиянинг Тюмень вилояти билан ҳўжалик ўртасида ўзаро шартнома тузилган. Унга бинаои ҳар қилграмм қорун... уларга 25 сўмдан сотишди. Айтайлик, ҳосилдорлик 20 тонна бўлисин. Майли унинг ярим ҳаражати қиқсин. Шунда ҳам қорак миллион сўм даромад қилиш мумкин эди-қў. Афсуски, ўтган йили баъзи ижарачилар бу ҳақда пухта ўйлаб иш юритишмади. Йилидаги бу ҳақда қилди эътирозлар айтилди, ҳар гектар ердан унумли фойдаланиш тўғрисида қўнониб гапирувчилар бўлди. Нуржон, Эргаш ва Аннагелди ака каби ҳўжалик жонқурлари нутқларида «бундан бери ёмон ишловчиларга ер берилмайди» деган фикрни дадил билдиришди. Дарҳақиқат, гапларида жон бор.

— Ахир, ариқ ва зовур бўйларига ўт ва ем-ҳашан бўлса-ю, ўша ердан ўриб, мол боқиб ўринга деҳқончилик қилмайдиган далаларни пайхон қилмоқчи бўлганлар «фаолиятни ни қандай баҳо-

ларомадини ошириш, халқнинг иқтимоий турмушини яхшилаш даркор.

Мажлисида ердан самарали фойдаланиш учун узудли билан тадбирлар ишлаб чиқилди, шу йилининг ўзида амалга оширишга келишилди. Пахтачилик ва бошқа тармоқлардан қўрилаётган соф фойданинг асосий қисми қолхозчиларга иш ҳақи тўлашга, мукофот тариқасида рағбатлантиришга, ҳўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлашга, маданий-маиший ишларга, қурилиш ва ободончиликка сарфлаш бош вазифадир.

Президентимиз И. А. Каримовнинг меҳнатқашларни иқтимоий жиҳатдан ҳўмоалаш борасида қиқарайган фармонлари бу ҳўжаликда ҳам амалга оширилмоқда. Уй-жойлар қурилатганлиги, томоқлар кенгайтирилганлиги, аҳоли қорва моллари, озуқа, галла, қўй, шоли, шакар билан таъминланаётганлиги, табиий газ ва тоза ичимлик сув келтирилганлигини ай-



Янги савдо маркази

Пош районидида Чодак қишлоғи марказдан олсиди жойлашган қўрғонлардан. Тоғ этакларида қад ростилаган бу қишлоқнинг табиати-га таъриб йўқ. Кейинги йилларда Чодак қишлоғи қиёфаси табиб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Бунёдкорлар бу ерда катта ҳажимда ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришляпти. Қўчаларга асфальт ётқизилди. Қонадонларга ичимлик сув тармоқлари тортилди. Янги мактаб биналари, болалар боғчаси, 80 ўринли шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қонадонларни телефонилаштириш масаласи қўндаланг қўйилди. Бу йил ҳар бир қонадонни газлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун лойиҳа-лаш ҳўжатлари тахт қилиб қўйилди.

Яқинда Чодакда қўвончли ноёз эс берди, марказий қўрғонда йирик савдо мажмуи фойдаланишга топширилди. Уни «Намангантрестрой» трестининг механизациялашган кўча колоннаси бинаорлари атиги етти ой муддат ичида қуришди. Унда қўвончли муштани бинаода аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг барча турлари ташкил этилди. 540 нафар метрлан ортқ майдонга эга бўлган бу масканда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга қўпна махсуслотлар ишлаб чиқарилади.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Экиш мавсуми тобора яқинлашмоқда. Қўпгина жамоаларда бу муҳим ишга аллақачон ҳамма нарсга тахт қилиб қўйилган. Зафаробод районидидаги Ҳ. Олимжон номли давлат ҳўжалигида ҳам техника таъмири қиқин олиб бориляпти. Яқин кўнларда бу иш ниҳоятга етказиллади.

СУРАТДА: илгор таъмирчилар Маъруф Давуров ва Муҳиддин Нурматовлар.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси ўзининг 17 мартада бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 1992-Октябрь сайлов округи бўйича ўтказилган сайлов натижаларини қўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси 1993 йил 14 март кўни Фарғона вилояти 397-Октябрь сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлиги сайланган Тошкент шаҳрида яшовчи, Президентнинг таъини-лий-надрлар сисёати бўйича давлат маслаҳатчиси Мавлон Бобононович Умурзоқовни рўйхатга олди.

Шу билан бирга Марказий сайлов комиссияси 293-Жомбой ва 436-Тошлоқ округ комиссияларининг «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини қақриб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун талабалари, округлардаги бир қанча меҳнат жамоаларининг тақлифлари ва бошқа ҳўжатлар асосида Ж. Маматов ва Қ. Сотиболдиевларни Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигиндан қақриб олиш бўйича ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баёлиларини қўриб чиқиб шуни таъкид-

лайдикни, халқ депутатлигини қақриб олишга таъйин-нинг 97,3 фоизи қатнашди, овоз беришда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 98,8 фоизи қатнашди, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 97,6 фоизи депутатликдан қақриб олишнинг ёқлаб овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси тегишли баёлиларни қўриб чиқиб овоз бериш натижаларини қайд этиш ва «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини қақриб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосан 1993 йил 17 мартдан депутатлигин қақриб олиш депутатлигини вақолатлари мўддатидан олдин тўхтатилган деб ҳисоблади.

ХОРАЗМ ДЕҲҚОНЛАРИ ЕНГ ШИМАРИШДАН

Баҳорги экиш мавсумини бошлаш олдидан барча техникани мавсумга шай қилиб, ёнгли-мўйлаш махсуслотлари захирасини вужудга келтириш, сифатли уруғлик жағмарини, маҳаллий ва минерал ўғитларин етарли даражада ғамлаш керак. Шунингдек, бу вақтда ер текислигини, шўр юниси ишлари сифатли бажарилган бўлиши зарур. Айниқса, асосий майдонларини шўр бостан Хоразм вилоятида бу борадаги ишларни ўз вақтида амалга ошириш ниҳоятда муҳимдир. Яқинда бу борадаги ишлар ва баҳорги экишга таъйирилик тўғрисида вилоятда мутасадди идоралар вакиллари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Жорий йилда вилоятда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланган. Биринчи навбатда эътибор янги ер ўзлаштиришга қаратилмоқда. Бу иш бир неча йил олдин бошланган эди. Қизилжар ва Тупроққалъа массивларидаги 30 минг гектар ерни ўзлаштириш бир неча йил алгари бошлаб юборилди. Режа бўйича Хива районида 4100 гектар, Ҳазорасида 3400 гектар, Қонқанда 10 минг гектар, Боғот ва Янгирқанда 2600 гектар, Турқанда 2200 гектар, Қўшқўйирда 1000 гектар, Янгйобозорда 1500 гектар, Шовотда 1700 гектар, Ўрганчада 2000 гектар ер ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Шу кунгача ҳаммаси бўлиб 1,5 минг гектарга яқин майдон экинзорларга айлантирилди.

Масалан, Хива районидаги «Хива» жамоа ҳўжалигида 128 гектар ер очилди. Лойиҳа бўйича қумлоқ ерларни маданийлаштириш учун унинг устига 18 сантиметр соз тупроқ тўқилиши лозим. Лекин маблағ йўқлиги тудайли қўпгина жойлардаги каби маъзур ҳўжаликда ҳам бу иш ниҳоятга етказилмади. Умуман олганда, янги ер ўзлаштиришда камида 12 сантиметргача соз тупроқ солиниши керак. Ана шунда мўлжадаги ҳосили олиш мумкин.

Экиш мавсумида техника, минерал ўғит ва ёнгли таъминотида узилиш бўлмаслиги керак. Чўнки бу вақтда иш бир кунга қўзилса, ривожланиш ўн кунга кечикади. Мавсум учун зарур бўлган 18—20 минг тонна ёнгли захирасини ғамлаш тўғрисида мутасадди ташкилотларга қўрсатма берилди.

Техника таъминотида ҳам узилиш бўлмаслиги зарур. Бу борада ҳамма чора-тадбирлар илгаридан қўриб қўйилган. Ҳозиргача зарур бўлган 350 миллион сўмлик трактор ва машиналар сотиб олинди.

Ернинг структурасига қараб вилоят бўйича 25 минг гектар ерга аниқта чидамил «Бўхоро-8», 10 минг гектар майдонга С—6530 ва 5 минг гектарга «Наманган-77» навлари жойлаштирилиши мўлжалланмоқда. Зарур уруғлик жағмарини қўйилди.

Ўтган йил шолдан мўл ҳосил олинганда, Техника етишмаганидан хом ашё бироз исроф бўлди. Жорий йилда бу камчиликка йўл қўймаслик зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Йиғилишнинг вилоят ҳўқимининг ўринбосари Қ. Сафоев олиб борди.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ.

НАВРЎЗГА ПЕШВОЗ

НАВРЎЗ бу Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида мусулмон динида янги куннинг, яъни Янги йилнинг бошланиши демекдир. Бу — янги олам, бахорий оламнинг биринчи. Мустақил бошланиш демекдир. Бу — Табиатнинг яна бир, яъни бир йилга тугилганлиги яралиши — жону жонотнинг Кўчига интилиши — демаски тарихиши, уйғониши, дадиллик ила истиқбол сари истиқболи демекдир.

Наврўз — бу Шодлик, Тинчлик, Ҳамкорлик, Мустақилликнинг қадиргачи, бахорий элчисидир. Бу — улугълини, Инсонни эъзозлаш ҳамда Инсоннинг умрига умр кўшиш, очигини айтганда, бир йилга яшартириш демекдир.

Наврўз нима берди Ватанимиз, она-юртимизга? ҳар бир вилоят, шаҳар, район, чироқ отган, қишлоқлару хонадонимизга?

Шу кунда бошланади Мучал йили! Шу кундан бошланади Деҳқон йили, Бободеҳқон бахори!

Мучал дедим. Бу ҳайвонлар номи билан юртиладирилган, илоҳийлашган улум ҳалқимиз учун. Мучални асосан мусулмон олами номлади, улугълида ва ўша йил билан, унинг яхши ёмони билан боғлайди, тақдирини. Тақдир ва Мучал — Наврўз билан узвий боғлиқ кетади. Тугилган инсон шу кунни нишонлайди Янги Мучал — янги йилини, яъни бир йилга улугъли.

Деҳқон йили дедим. Қайси деҳқон Эр шарининг қарий юз фоизи шу кунни бахорнинг Муким ва Мустақил бошланган билан ишга киришадилар, дейсиз. Ахир қадиргачлар бахор элчиларининг ташрифи шу кун — Наврўз билан белгиланади. Биринчи насиба уруғи ҳам

шу кунни ниш уради. Шу кунни бутун Олам янгиланади. Бутун Оламга янги кун — Наврўз кириб келади.

Ўтмишдан, яқин ўтмишдан ўпалаб келди Наврўз! Бундай қоронғиликни, таъбир жоиз бўлса нодонлиқни Шўро ҳукумати олиб келмади? Ҳатто, асрининг 20-йилларида ҳам Наврўз деҳқон учун, Ўзбекистон учун бахорий байрам ҳисобла-

халқ байрами деб тан олинди.

Фақат 1991 йил Ўзбекистонимизнинг иккинчи Наврўз байрами чоғидан тўла ва тенг Мустақил бўлишга қатъий ишонч билан ўтказилган ойна жаҳоннинг бир суткалик кўрсатувиди баралла гапирди.

Мустақиллик эса 1 сентябрдан бошлаб, олтин ҳарфлар билан Наврўзни

Каримов ўзбек бободехқонига таъзим ила, улар бизни тўлиб-тоширади, яъни дастурхонимиз тўкин бўлади, дедилар. Деҳқон тўйса — эл тўйди, эл обод — юртимиз шод бўлади.

1993 йил — Наврўз олам — Хўжа Аҳмад Йосафий, Баҳоуддин Нақшбандий — хулласи калом Аллоҳ таолонинг минтақамиздаги (Марказий Осиё давлатлари) халифалари йили. Биз бу буюк ва табаррук зотларга таъзим ила — Наврўзнинг бошланиши сизлардек алломалар номлари билан боғлиқ экан, йилимиз хайри, насибали ва тинч-осойишта бўлади, бунга Худо ёр бўлсин, пирлар мададкор бўлсин, дегимиз келади.

...Қўшни сумалак чиқарибди. Уни оғиз очгандан кейин еймиз» деган, пешонасини тангиб олса-да, шода-шода терлари шудринг каби йилтираётган қўшнинг овозини эшитдим. У боғида меҳнат қилмоқда. Хориганини, чарчаганини сезмайди — рўза бўлса ҳам.

Асли юртдошим — Наврўзи олам — яна бир кутлуг ва савоб улумимиз рамзон ойда келди. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг неъматидир. Бу деҳқонни янада қаноатлантиради. Чунки Рўза тутган деҳқон Рўза — Наврўз ойда она-заминга тўла насиба уруғини сепади. У эса халқимиз, Ўзбекистонимиз насибаси, тўқчилиги ва тинчлиги нишонаси. Ҳа, шундай. Бунини сизу биз, азиз юртдошим — бир зум ҳам унутмай — ҳақ насибаси, Ватанимиз насибаси бутун эканлигига иймон келтирайлик.

Наврўз олам — Сенга оқ йўл

Карим НОРМАТОВ, профессор.

ЭЛ-ЮРТ ШОДИЁНАСИ

нарди. Мен бунни тарихий ҳужжатлар, саргайган рўзномалар гувоҳлигида гапирялман. 30-йилларга келиб қатагон қилинди Наврўз ҳам.

Фақат... Эвоҳ, тарихий ҳақиқат — халқ ҳақиқати эканлигини бир зум ҳам унутмайлик. Чунки халқ — бу денгиз каби тўқилганганда ҳар қандай сохта, сунъий чўп-накалар қирғоққа чиқиб, қовчираб қолганидан, Наврўзни — халқ улумини, Деҳқон бахорини йўқ қилиб бўлмади!

Фақат жумҳуриятимиз Мустақиллиги Наврўзни том маънода қайтарди. 1990 йилда Наврўзга, яъни бахор байрамга катта аҳамият берилди, шу йил 20 июнда Мустақиллик Декларацияси муносабати билан Наврўз

бахор ва деҳқон байрами деб ёзиб қўйди! 1992 йил, март ойи (2 март) Наврўз ойда Бирлашган Миллатлар Ташкилати она-Ватанимизни аъзоликка қабул қилди. Сунгги уч — Наврўз йиллари жуда кўп тарихий жаҳоншумул воқеаларга бой бўлди: тарих тикланмоқда. Икан йўли узоқ сафарини бошлади. Амир Темур кириб келди хонадонимизга, Шарқу Фарб давлатлари қўл-қўли қилиб бағрини очмоқда истиқлоли она юртим учун, эҳ-ҳе қанчалар кўпми...

1993 йил — асл йил Наврўз олам! Мустақиллигимизнинг иккинчи бахорини очиб чекра, буюк интилар билан қарши оламиз. Бободеҳқон эса мустақиллик уруғини сочатди. Ўзбекистон, юртимиз раҳбари Ислам

Ҳар кимнинг имони бутун бўлсин

БИР ШАРИФ ТАВСИФИ

ган баҳс устиди қадимдан уламолар ўртасида ҳар хил фикрлар мавқуд бўлган. «Нам» (Чумоли) сурасидаги «иннаку мин Сулаймон ва иннаку бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» жумла-синга оидлар, деган хулосага келганлар.

«Хоразмнинг ифтихори» деган унвога эга бўлган, 32 жилдик таъриф таълиф қилган буюк муфасссир Фахриддин Розий шундай деб ёзади: «Билгилки, Аллоҳнинг раҳмати деганда ҳар қандай офат ва баълолардан нажот топиши тўшунлади. Лекин бу офатлар нимадан иборат эканлигини фақат Аллоҳ таолонинг ўзи билади. Бу офатларни оз бўлса-да билишга ҳаракат қилган киши тибобий илмига мувожаат қилсин, шундангина ба-дандаги оғирининг нима сабабдан рўй бераётганини тўшунлади...»

«Бисмиллоҳ»даги «раҳмон» сўзи «раҳмат» лафзи-дан олинган бўлиб, унинг маъноси «бегараз кўрсатилган раҳмат эгаси» демекдир. Фахриддин Розийнинг баён қилишича, бу ёруғ дунёдаги ҳеч бир инсон бошқага бегараз ёрдам кўрсатмайдиган: подшоҳнинг номини яхшига чиқариш ва сиббат учун одамларга инъом ва саховат кўрсатади, бошқа шахс са-воб учун ва яна бири одамларнинг маъноғина сазовор бўлиш учун, бошқа бирови эса қилган хайр-эҳсонни ўзига қайтиб нелишини умид қилиб, бошқаларга раҳм-диллик кўрсатади. Аллоҳ таоло шундай кескин инъом-ларни бандаларига доимий равишда бериб турса-да, эва-

зига бирон нарсаси умид ҳам, талаб ҳам қилмайди. Бу жойда савол туғилиши мумкин, Аллоҳ таоло биздан беш наът номоз ўқиниши, бир ой рамазон рўзасини тутиниши ва бошқа ибодатларни адо этишни талаб қилади-ку?

Жавоб шуки, дейди Фахриддин Розий, Аллоҳ таолонинг бир номи Раҳмон бўлганлигидан банди бу ёруғ дунёда неъматларга сазовор-дир. Охиратда ҳам неъматларга сазовор бўлиши учун Аллоҳ унинг охират гамини бу дунёда ейишини хоҳлади. Шунинг учун охират кунига эътиқод қилган ва унга ишонган киши ибодатларини бажо келтиради, яъни «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» шу йўл билан кишиларни йи-мон ва ислом йўлига олиб киради. Бошқача қилиб айтганда, «Бисмиллоҳ» ҳар бир мусулмонни аста-секин эътиқод йўлига етаклайди ва Аллоҳни унга таништи-ради.

Шу ўринда бир ҳикояни эсга олмоқни фойдала деб билидик: Ҳазрат Мусо алай-ҳиссалом қорни оғриб қол-ганда Аллоҳга мурожаат қи-либ, бу оғирининг давосини юборишини сўраган эканлар. Шунда Аллоҳ таолодан фал-лон гиёҳни есанг, оғиринг тузалади, деб ваҳий келиб-ди. Ҳазрат уни «Бисмиллоҳ»ни айтиб, еган эканлар ши-фо топдилар. Бир қанча вақт ўтган, яна қорни оғри-га кўзгаганда Аллоҳни ёдга олмай, яъни «Бисмиллоҳ» демай ўша гиёҳни еган экан-лар, қорни оғриги тўхтамаб-ди ва нидо келибдики, ҳар қандай дориини тановул қи-

ганда ихлос-эътиқод ва ях-ши умид ҳам ҳамроҳ бўлса, киши ўз дардига шифо то-пади.

«Раҳмон» ва «раҳим» ка-лималари мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, Ал-лоҳ таолонинг раҳматига да-лолат қилсада, бу икки ка-лимнинг ўзига хос хусуси-ятлари бор: «Раҳмон»да бан-дани ўзига жалб қилиш ма-зуни бўлса, «раҳим»да Ал-лоҳнинг бандига бўлган раҳ-мдиллиги кўзда тутилади. Баъзи уламолар бунни, дунё-да ўзининг неъматларини сочган ва охиратда банди-ларга раҳм қилиб, улар-нинг гуноҳларини афв қи-либ, жаннатга киргизади деб, баён қилганлар.

Шунинг учун ҳам бирон иш бошлагандан илгари «Бис-миллоҳир раҳмонир раҳим»ни айтиш ва таом ейишдан олдин «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим»ни дейиш мусулмон кишининг қалбига таскин ва куч-қув-ват беради ва унинг эъти-қонини заифлаштиридан сақ-лайди. Ҳазрат Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Таом тановул қилиш-да «Бисмиллоҳ»ни айтинг, агар бошда унутсангиз — ўртасида айтинг, ўртасида унутсангиз — охирида айт-инг», деб буюрдилар.

Ҳазрат Расулulloҳ сал-лоллоҳу алайҳи ва саллам шунингдек: «Кимки «Бис-миллоҳ» ёзилган бирон ара-қни, ерга тушган бўлса, ҳур-мат юзасидан ердан кўтар-са, Аллоҳ таоло уни енг со-диқ бандалар жумласида санайди ва ота-онасининг гуноҳларини енгиллаштиради, гарчи мушрик бўлсалар ҳам», дейдилар.



Каттақўрғон шаҳар бирлашган болалар шифохонаси 140 беморга мўлжалланган. Бу ерда касалларга муолажа кўрсатиш учун барча шарт-шаронг муҳай. Шу кунларда жамоада бўлажак Наврўз шодиёнасига кизгин ҳо-зирлик кўриляптир. Бош шифокор Адолат Назарова бошчилигида бошланган ободонлаш-тириш ишларини ниҳоясига етказилди. Теварак-атроф тартибга соли-ниб, суя ўтадиган ари-қлар тозаланди.

Болалар саломатлиги-ни муҳофаза қилишда шифохона ходимлари-нинг ҳизматлари катта.

СУРАТДА: бош шифо-кор Адолат Назарова кичкинтой бемор би-лан.

Ш. СУЛМОН олган сурат.

МУСАВВИР КАШФИЁТИ

Яқинда Ўзбекистон му-савивлар уюшмасининг кўр-гасмалар залида Маннон Уйғур номли Тошкент дав-лат олий билимгоҳи талаба-лари асарларининг кўргаз-маси очилди. Унда ёш му-савивларнинг турли йўна-лиш ва мазмундаги асар-лари намоиш этилди. Кўр-гасмада Риксвий Соатов-нинг «Наврўз» номли аса-ри ҳам бор. Ушбу асарда тоғ қўйида меҳнаткаш де-ҳқонлар чўпонларнинг тў-панишиб Наврўз байрами-ни нишонлаётганликлари ма-ҳорат билан чизилган.

Олд кўринишда миллий кийимлардан машшоқлар карирай, сурмай ва ногора баъзини қиздирмоқдалар. Ўртада қорағида ўти бор йи-гит ва қизлар заъқ-шаъқ би-лан рақса тушмоқдалар. Байрам қатнашчилари қар-сақ билан уларни олқишла-моқдалар.

Иккинчи ва учинчи кўри-нишда дор ўйинлари бош-ланадиган. Бошқа бир кар-тинада аёллар онахонлар сумалак пиширишмоқда. Узоқ-узоқларда баҳорга хос ола-була булутлару осмонга туташиб кетган тоғ ман-за-раси... Ҳаммаёқ ям-яшил, худди баҳмал гилам тўш-гандек. Бу манзара байрам қатнашчиларига қандайдир кўтаринки руҳ бахш этади.

Асардаги рангларнинг уму-ий баҳорий уйғунлиги ки-шини ўзига тоатади. Бай-рамда қатнашаётганларнинг чеҳраларидаги табассум ўзи-га ғиралиб тушган.

Мусаавирнинг ушбу аса-рида ўзбек халқи ўз мил-ли аънаъларига, байрам-ларига, қадриятларига ҳур-мат-эҳтирми ифодалагани.

Тўқтин АҲМЕДОВ, саятатшунос.

БУЛБУЛ КУЙИ

Баҳор билан элимга шод—хуррам Наврўз келди, Илҳом солиб дилимга таърифига сўз келди. Қор тағдидан шошилиб, инш урибди майсалар, Киз «Ҳамалнинг тағтига ногоҳ юзла-юз келди. Боллар оша тизиллаб боларлар тизилди, Гўл гулчалар лабидан йиғиб ризқу рўз келди. Элининг урфу одатини қораловди баъзилар, Минг шукрим қайтадан элимга нуфус келди.

Деҳқон чалар далада завқли меҳнат куйини, Қўлгомига хуш наво кечяо кундуз келди.

Булбул куйи ағжидан, шалопалар мавжидан, Фардий, қўлга қалам ол, ўйноқи аруз келди.

Исमत ТОШҲУЛАТОВ, Хатирчи райони Тасмачи қишлоғи.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

ТАДБИРКОРЛАР, СИЗГА КЎМАҚЛАШИШГА ТАЙЕРМИЗ КЎП ТАРМОҚЛИ ОЛДИ-СОТДИ ФИРМАСИ МЮНХЕН—ГАННОВЕР

ҲАР БИР НЕЪМАТИНИНГ ўз ўрни бор. ДАСТУРХОНИМИЗДА БОШҚА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН БИРГА МАЗАЛИ ВА ХУШЎБУ ПИШЛОҚНИНГ БЎЛИШИГА НЕ ЕТСИН? БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИР ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ХУЖАЛИҚЛАРДАГИ ТАД-БИРКОР КИШИЛАР ПИШЛОҚ ТАЙЕРЛАШНИ ЙЎЛГА ҚўЙИШ ҲАҚИДА БОШ ҚОТИРАЕТГАН БУЛСАЛАР АЖАБ ЭМАС. БУНДАЙ ЭЗГУ ОРЗУНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ГЕРМАНИЯНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ МЮНХЕН-ГАННОВЕР ОЛДИ-СОТДИ ФИРМАСИ Қў-МАГИДАН ФОНДАЛАНИШИНИНГ МУМКИН.

БУНИНГ УЧУН УШБУ ФИРМАНИНГ ПИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚА-РИЛАДИГАН КИЧИК КОРХОНАСИ УСКУНАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНИНГ ЗАРУР. БУ СИЗГА ЭНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСО-СИДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПИШЛОҚ ТАЙЕРЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

ШУНДАЙ КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ ИШГА ТУШИРСАНГИЗ КЎНИГА 3 МИНГ ЛИТР СИГР СУТИДАН 3 ЦЕНТНЕР, ЯЪНИ 300 КИЛОГРАММГА ЯҚИН ГОЛЛАНД ЕКИ ШВЕЙЦАР ПИШЛОҒИ-НИ ТАЙЕРЛАБ, ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ТОРТИҚ ҚИЛА ОЛАСИЗ.

Берилган буюртмалар қисқа муддатда адо этилади. Ускуналарнинг баҳоси ўртача бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчилар учун мақбул даражада белгиланган.

Ушбу қайта ишлаб корхоналарига сақланган маблағ қисқа муддатда қопланади. Ускуналарга мол айирбошлаш йўли билан ёки эркин алмаштирилади-ган валюта ҳисобидан ҳақ тўланади.

Шу кичик корхоналар бўйича Сизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан фирмамизни Ўзбекистон Республикасида тарғиб-ташвиқ этиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатини олган ташкилот — «Нуристон» ассоциациясига — Ўзбекистон агросаноат комплекс тар-моқларини информатизациялаштириш ва ривожлантириш уюшмасига мурожаат этишингизни сўраймиз.

«Нуристон» ассоциациясининг манзили: 700043, Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй, телефонлар: (3712) 45-68-67; 45-22-41.

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ СИЗГА ЯХШИ ДАРОМАД КЕЛТИРГАНДА ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ЯҚҚОЛ НАМОЕН БЎЛАДИ.

Салим МЕЛИҚУЛОВ, Диний ишлар қўмитаси ходими.

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАГАН АРДОҚЛАНАР

Аёл — оиланинг чироғи. Шунинг учун шариятда аёлнинг маъқеи, иззати ва покизалиги ҳимоя қилинади. Қўрқон қарим оятларда кимки аёлга таъовуз қил-моқчи ва унинг шаънига доғ туширмоқчи бўлса, унга қар-ши қаттиқ қоралар кўриш буюрилган. Пайгамбаримиз: «Мен сизларга икки одам-нинг ҳақ-хуқуқини қаттиқ ҳимоя қилишни буюрмаман, улар ҳам бўлса аёл ва етим-лардир», — дегандар. Қай-си мамлакатда турмуш юмушлари қийинлашса, энг аввало, аёллар ва етимлар азоб чекадурлар. Оиланинг ғам-ғуссаси ва тарқилиши оғирлигини биринчи бўлиб сезадиганлар ҳам шунлардир. Бинобарин, шарият эр-каклар зиммасига оилани

моддий таъминлаш ва фар-зандларни едириб-кийтири-лишни юклган. Шу сабабли эркак киши оиллага бошқич-қидир. У доимо ўз кўфти-ҳа-лоқини ризқ-рузини таъмин-лаш маъсулиятиндан озод қилишни керак. Шундангина э-з-«дазифасини бажарган бўлади. Пайгамбаримиз: «Эркак киши меҳнат қилиб фарзандлари ва аёлга ризқ-рўз топиб келса, Аллоҳ ол-дида юзи ёруғ бўлади», — дейдилар.

Асрлар оша мусулмон оилалари шу анъанага бўй-суниб, ўз билан ва уқула-рини оила манфаати, бола-лар тарбиясида сарфлайди-лар. Шарият қонуларига биноан, эркакнинг аёл усти-дан қомиллиги унинг ҳуқуқ-ларини адо этиш ва оғирияни

енгил қилиш билан боғлиқ-дир. Аёл эрга нтоат этиши, эркак уй ишларида унинг билан маслаҳат қилиб иш юритишни лозим. У—оилда тартиб-нотизом, шарму ҳаё ва озодаликнинг посбони. Рўзгорда покизалик ва озода-лик катта аҳамиятга эга. Бу фақат қониниб-тараниб юриш-дангина иборат бўлмай, пок-изалик-соғлиқ гарови ҳам.

Афсуски, шариятдаги то-заллик ва покизаликнинг маз-мунини кўччилик унута-бошлади. Агар фарбда 15—16 яшар қизларнинг ҳомла-дор бўлиб қолишлари аёб саналмаса, Шарқ халқлари бунинг ўта уятли ҳолиса деб билидилар. Бунинг оқибати-да қанчадан-қанча фожиа-ли воқеалар рўй бермоқда. Бун-га айрим

йўқотган эркаклар ҳам гуноҳдордирлар.

Пайгамбаримиз ҳадисла-рида шундай дейилди: «Аёл кишининг баракаси ҳаражат-нинг қамлиғидир». Қиз ба-лоғатга етган, ўз вақтида жойини топиб узатиш ота-онанинг вазифаси. Тўйларни дабдабали қилиш эса шарият-нинг маъқур буюруғини ба-жаришга тўқсизлик қилади.

Шарият ҳукми ота-она ҳисобига бойлик орттириш эмас, балки уларнинг ёрда-мида янги оилани қуриш ва мустаҳкамлашдир. Оила-нинг барқарорлиги ва тугил-ган болаларнинг ҳақ-хуқуқ-ларини ҳимоя қилиш ҳам шариятнинг вазифаларидан ҳисобланади. Қўрқон қарим ва ҳадисларда қадимдан ол-ла ҳимоя қилиб келинган. Афсуски, кейинги даррлар-да бу асослар унутилиб қў-йилди. Шулар нчиди ядда масаласи ҳам бор. Идда—бу

хотин кишининг эридан ҳар хил сабабларга кўра бева қолишидир. Бунинг ҳақиқати шуки, агар аёл аввалги эри-дан ҳомилдор бўлса, маълу-м тўдада унинг ҳолиси аёб бўлмай. Бу инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш демекдир. Ша-рият ҳукми бўйича ҳеч бир аёл ёшдан қатъий назар 4 ой 10 кун ичиди қайтадан турмушга чиқа олмайди.

Лекин баъзи аёллар бутун эридан ажраллишиб, эртас-га бошқасига турмушга чи-қилишмоқда. Ундан ҳам ачи-нарлиқ айрим қиз-жувоилар туққан болаларидан воз ке-чипиланти. Пайгамбаримиз ҳаё йиғмонинг ажралмас қисмидир, дегандар. Шари-ят ҳукми бўйича ҳаё —бу ор-номус, обрўни авайлаб сақлаш ва маломатлардан қотиш демекдир.

Салим МЕЛИҚУЛОВ, Диний ишлар қўмитаси ходими.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир хайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ, [бош муҳар-рир ўринбосари], С. САЙДАЛИЕВ [бош муҳаррир ўринбоса-ри], О. ҒОФУРОВ, [масъул котиб], Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХ-СИЕВ, Э. ИБРОХИМОВ, Р. БОБОМУХАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республи-каси Қишлоқ хўжалиқ вазирлиги, «Ўз-плодощовчинпром» концерни, Ўзбекист-тон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жа-моаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари— 32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Иجتимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Мадааният, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бозатиш бўлими — 32-58-79.